

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ЮЛДАШОВ ГУЛМИРЗА КАРИМОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЛ
КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УНИНГ НОГИРОНЛИК АСОРАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.33 – Ҷамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Юлдашов Гулмирза Каримович

Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятлари ва унинг ногиронлик асоратларини бартараф қилиш тадбирларини такомиллаштириш.....3

Юлдашов Гулмирза Каримович

Эпидемиологические особенности туберкулеза в Республике Каракалпакстан и совершенствование профилактики инвалидизации.....25

Yuldashov Gulmirza Karimovich

Epidemiological features of tuberculosis in the Republic of Karakalpakstan and improving the prevention of disability.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ЮЛДАШОВ ГУЛМИРЗА КАРИМОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЛ
КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УНИНГ НОГИРОНЛИК АСОРАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.33 – Ҷамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамраев Атаджан Каримович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Бабаджанов Абдимурод Саттарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Маматкулов Иброхим Хомидович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14. Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сил касаллиги оқибатидаги ногиронлик ва бевақт ўлим ҳолатлари сабабли унинг жамоат саломатлигида юкламаси юқориликча қолмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «...ер шари аҳолисининг қарийб 3/1 қисми сил микобактерияларини юқтириб олган ва уларнинг 90% да ушбу касаллик бутун умри давомида латент сил инфекцияси сифатида мавжуд бўлиб, фаол силга ўтиш хавфи 5-10% ни ташкил этади»¹. Сил касаллигини юқтириб олгандан кейин унинг фаол шакли билан касалланиш хавфи бир қатор экзоген (аҳоли яшаб турган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий вазият, атроф муҳит ҳолати ва санитар-гигиеник шароитлар) ва эндоген (аҳоли популяцияси ўртасида силга чалинишга ирсий мойиллиги, вакцинация ҳолати ва ёндош касалликлар ҳамда витамин D нинг етишмовчилиги) омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Жамиятда сил касаллигига чалинган беморларни барвақт аниқлаш учун ушбу касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифаларини аниқлаш ва улар ўртасида самарали ва мақсадли скрининг текширувларини ўтказиш сил касаллиги тарқалиши устидан назоратни амалга оширишнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Жаҳонда сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятлари ва унинг ногиронлик асоратларини бартараф қилиш тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миграция жараёнлари дунёдаги сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда, шу сабабли, силга чалиниш хавфи юқори бўлган аҳоли гуруҳларида уни барвақт аниқлаш долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳолатлар сабабли силга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, силнинг жамият саломатлигига бўлган юкламасини камайтириш, сил инфекцияси юққанидан кейин унинг фаол шакли ривожланишига таъсир қилувчи экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш, улар ўртасида мақсадли скрининг текширишларини олиб бориш, ушбу омилларга таъсир кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, уларни ‘эрта аниқлаш ва самарали даволашнинг янгича ташкилий ёндашувларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «.тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш аҳоли

¹WHO. Global tuberculosis report 2021. <https://www.who.int/publications/i/item/9789240037021>).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

орасида сил касаллигини ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш орқали касалликлар оқибатида юзага келаётган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 мартдаги ПҚ-5038-сон «Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12 сон «2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ватехнологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сил касаллигининг латент инфекция ҳолатидан фаол шаклига ўтишида эндоген ва экзоген омилларнинг аҳамияти, унинг муҳожир этник гуруҳлар ўртасида тарқалганлиги, силнинг меҳнат муҳожирлари ва аҳолининг бошқа тоифалари ўртасида тарқалиш омилларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. (Hayward S, Harding R.M., 2018). Баъзи тадқиқотларда мигрантлар орасида туғилиб ўсган ватанларида юқтириб олган силнинг латент шакли миграциядан кейинги реактивацияси катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланган (Fok A., Pareek M., 2016). Шунингдек, сил оқибатидаги ногиронлик ва уларнинг реабилитацияси муаммолари ҳам илмий ишларда кенг ёритилган (Burne A., 2015, Alene K.A. 2021). Сил касаллигида ирсий мойилликнинг генетик омиллари, силга мойилликни белгилашга номзод бир нечта ген локуслари ва тўлиқ геном ассоциациялари аниқланган (Алименко М.А., 2022, Cobat A., Gallant C.J., Jabot-Hanin F, Cobat A., 2016).

Республикамизнинг олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида аҳоли ва силга чалинган беморлар ўртасида нотуберкулез микобактериялар тарқалиши юқори эканлиги, силга чалинган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш омиллари аниқланган (Ўлмасова Д.Ж., 2019, Парпиева Н.Н, 2021). Бундан ташқари, минтақада кейинги пайтларда ўтказилган тадқиқотларда силнинг дори воситаларига кенг чидамли шаклларини даволашда қўлланилаётган янги препаратлар (бедаквилин)га ҳам 5,6% ҳолатда чидамлик мавжудлиги аниқланган ва бу ҳолат ҳудудда силга қарши чора-тадбирлар самарадорлигига жиддий хавф ҳисобланади (Парпиева

Н.Н., Nair P, 2022). Республикамиз миқёсида силнинг ижтимоий-гигиеник жиҳатларига бағишланган қатор тадқиқотларда сил касаллигининг Оролбўйи минтақасида ўсмирлар ўртасида тарқалиши юқорилиги, шу ёшдаги қизлар ўртасида даволашни самарасиз яқунлаганлар улуши ва ўлим кўрсаткичлари юқорилиги аниқланган (Гадоев Ж., Асадов Д.А., 2021). Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида сил касаллиги бўйича мураккаб эпидемиологик вазият унинг дори воситаларига чидамли шакллари тарқалиш даражаси юқорилиги билан боғлиқлиги, силнинг дорига бардошли штаммлари беморлар ва силни тиббиёт ходимлари ўртасида шифохона ичи инфекцияси сифатида тарқалиш хавфи юқорилиги, бундай хавфни камайтириш учун беморларни амбулатор шароитда даволаш устувор аҳамиятга эга эканлиги баҳоланган (Хамраев А.К., 2016).

Шуни таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллигининг эпидемиологик ва географик хусусиятлари шу пайтгача ўрганилмаган ва таҳлил қилинмаган. Сил касаллиги билан касалланиш ва унинг оқибатидаги ногиронлик ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда силга чалинган шахсларда ногиронлик экспертизаси ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш зарур. Бу ўз навбатида сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни реабилитация қилишнинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳимдир. Шунингдек, сил касаллигида ногиронликка олиб боровчи омиллар, ногирон деб топилган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш масалалари, шунингдек, минтақадаги силга чалинган беморлар ўртасида сил микобактериялари дори воситаларига бардошли штаммлари тарқалганлиги билан унинг оқибатидаги ногиронлик ҳолатлари ўртасидаги боғлиқликка бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ РЕР-19022022/142-сонли илмий грант лойиҳаси доирасида бажарилган (2016-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятлари ва унинг ногиронлик асоратларини бартараф қилиш тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи минтақасидаги сил касаллиги бўйича мураккаб эпидемиологик вазиятнинг узоқ йиллар давомида сақланиб қолишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикasinинг турли ҳудудларида сил касаллиги билан касалланиш ва унинг оқибатидаги ногиронлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини баҳолаш;

сил оқибатида ногирон деб топилган шахсларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатларини аниқлаш;

худуддаги силга чалинган шахсларда ногиронлик тиббий-ижтимоий экспертизаси ҳолатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҚРсининг 4та худудида яшовчи аҳоли ўртасида 2016-2020 йиллардаги сил билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари, уларнинг динамикаси, ўсиш (камайиш) суръатлари, ногиронлик кўрсаткичлари, 2019 йилда ихтисослашган ТИЭКда сил оқибатида ногирон деб топилган 1481 нафар шахслар тўғрисидаги маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сил касаллигининг минтақанинг турли худудлари аҳолиси ўртасида бирламчи ва умумий касалланиш кўрсаткичлари ва унинг динамикаси, касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик сил оқибатидаги бирламчи ва умумий ногиронлик экспертизаси ҳолати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун эпидемиологик (ретроспектив таҳлил, сўров-анкета), ва статистик (Стьюдента t-критерияси миқдори ва ишончлилик интервали (p) усулларини қўллаб статистик таҳлил юритиш, корреляцион таҳлил, тиббий ҳужжатларни ўрганиш ва уларни эксперт баҳолаш усуллари) усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг марказий, шимолий ва шимолий-ғарбий худудларида ўтган асрнинг 50 йилларидан буён сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятнинг мураккаб бўлиб қолиши нафақат Орол денгизи қуришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, балки минтақадаги яшовчи аҳолининг турмуш тарзи (кўчманчи ва ярим кўчманчи) омиллари билан боғлиқлиги исботланган;

минтақа аҳолисида сил касаллиги ривожланишига мойиллик юқорилиги шу худудда яшовчи аҳоли популяцияларининг яқин ўтмишдаги аждодлари тарқоқ яшаганлиги, сил инфекцияси манбаи билан мулоқот бошқа минтақаларда яшовчи аҳолига нисбатан кечроқ юз берганлиги, силни самарали даволаш тизими жорий қилингунча бўлган даврда табиий танланиш жараёнидан тўлиқ ўтмаганлиги билан боғлиқ эканлиги исботланган;

сил оқибатидаги ногиронлик экспертизаси ҳолатини баҳолаш мезони сифатида ногиронликнинг ҳар 10000 нафар аҳоли сонига ҳисобланадиган анъанавий интенсив кўрсаткичи ўрнига сил билан касалланиш ва ногирон деб топилган шахслар сонига нисбатни (алоқадорлик кўрсаткичини) қўллаш вазиятни объектив баҳолашга имкон бериши исботланган;

худуддаги сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатларини олдини олиш учун дорига бардошли сил кўзғатувчилари штаммлари келтириб чиқарган беморларни шифохонада махсус антибактериал даволаш курсини яқунланишини кутмасдан жараённинг дастлабки босқичиданоқ нафас олиш бузилишларини барвақт аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш тадбирларини амалга ошириш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҚРсининг марказий, шимолий ва шимолий-ғарбий худудларида сил

касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш учун ушбу ҳудудларда яшовчи аҳолининг сил касаллигининг фаол шакли ривожланиш хавфи юқорилигини инобатга олган ҳолда ёндашишнинг аҳамияти асосланган;

сил оқибатидаги ногиронлик экспертизаси ҳолатини янгича ёндошув бўйича баҳоланганда минтақада сил билан касалланиш кўрсаткичлари энг паст бўлган жанубий ҳудудда нисбатнинг энг юқори, касалланиш кўрсаткичлари энг юқори бўлган шимолий ҳудудда нисбатнинг паст кўрсаткичлари аниқланган ва бу субъектив омиллар ҳисобига юзага келганлиги исботлаб берилган;

сил оқибатида ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш бўйича «Сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш дастури» электрон дастур ишлаб чиқилган;

сил касаллиги оқибатидаги ногиронлик экспертизаси ҳолатини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган;

минтақада сил оқибатидаги ногиронларни реабилитация қилишга қаратилган дастурларда силнинг дори воситаларига чидамли шаклларида даволанаётган беморларнинг саломатлигини тиклашга қаратилган мақсадли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, танлаб олинган ҳудудлар аҳолиси популяцияси даражасида ва репрезентатив клиник материал асосида ўтказилганлиги, натижалар ишончли статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулосалар ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудудларда сил касаллиги билан касалланиш ва унинг оқибатидаги ногиронлик кўрсаткичлари ўртасида боғлиқлик мавжуд эмаслиги, сил касаллиги оқибатидаги ногиронлик келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири қўзғатувчининг дори воситаларига чидамли штаммларининг юқори даражада тарқалганлиги билан боғлиқлиги, беморлар дори воситаларига чидамли штаммлар келтириб чиқарган силдан даволанишни тугатишни кутмасдан респиратор ўзгаришлар асоратларини даволашга қаратилган реабилитация хизматлари билан қамраб олиниши зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатини баҳолашнинг янги усули жорий қилинганлиги, унинг воситасида сил оқибатида ногирон деб топилган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини объектив баҳолаш мезони ишлаб чиқилганлиги, «Сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш дастури» воситасида бу тоифадаги шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт ходимларининг

касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгашининг 2023 йил 29 декабрдаги 11-сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг марказий, шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида ўтган асрнинг 50 йилларидан буён сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятнинг мураккаб бўлиб қолиши нафақат Орол денгизи қуришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, балки минтақадаги яшовчи аҳолининг турмуш тарзи (кўчманчи ва ярим кўчманчи) омиллари билан боғлиқлиги исботланган. Сил оқибатида ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, С.Султанов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Фтизиатрия ва пулмонология маркази (17.01.2023-й.) ва Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган 9-сонли ТИЭК фаолиятига тадбиқ қилинган (17.01.2023-й.) (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.01.2023-йил 8н-р/59-сонли хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий, шимолий-ғарбий ҳудудларида сил касаллигига қарши кураш чоратадбирларини ушбу ҳудудлардаги аҳоли ўртасида сил билан касалланиш хавфи юқорилигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш минтақадаги сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятни барқарорлаштиришга, унинг оқибатидаги ногиронлик ва барвақт ўлимнинг олдини олиш ҳисобига сил касаллигига чалинган беморларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатининг ошишига олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: силга чалинган беморларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифати ошиши ҳисобига сил оқибатидаги ногиронлик ва барвақт ўлим ҳолатлари олди олинади ҳамда унинг натижасида эса иқтисодий самарадорликка эришилади. Бир нафар ногиронлик ҳолатининг олдини олиш ҳисобига фақатгина ногиронлик нафақаси ҳисобидан йилига 8 млн. 400 минг сўм иқтисод қилинади (ўртача нафақа 700 000 минг сўм x 12 ой = 8 400 000 сўм). Шунингдек, сил оқибатидаги барвақт ўлимнинг олдини олиш ҳисобига ҳам иқтисодий самарадорликка эришилади.

иккинчи илмий янгилик: илк бор минтақа аҳолисида сил касаллиги ривожланишига мойиллик юқорилиги шу ҳудудда яшовчи аҳоли популяцияларининг яқин ўтмишдаги аجدодлари тарқоқ яшаганлиги, сил инфекцияси манбаи билан мулоқот бошқа минтақаларда яшовчи аҳолига нисбатан кечроқ юз берганлиги, силни самарали даволаш тизими жорий қилингунча бўлган даврда табиий танланиш жараёнидан тўлиқ ўтмаганлиги билан боғлиқ эканлиги исботланган. Сил оқибатида ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, С.Султанов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Фтизиатрия ва пулмонология маркази (17.01.2023-й.) ва Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган 9-сонли ТИЭК фаолиятига тадбиқ қилинган (17.01.2023-й.) (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.01.2023-йил

8н-р/59-сонли хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Минтақада сил касаллигини барвақт аниқлаш ва уни самарали даволаш, унинг оқибатидаги ногиронликнинг олдини олишга қаратилган ташкилий тадбирларни ҳудуддаги аҳоли ўртасида сил билан касалланиш хавфини инобатга олган ҳолда амалга ошириш сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятни барқарорлаштиришга, силнинг жамоат саломатлигига юқини камайтиришга, касалланиш, ногиронлик ва барвақт ўлимнинг олдини олишга, силга чалинган беморлар сонининг камайиши ҳисобига шу тоифадаги шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатининг ошишига олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: бир нафар беморни ўз вақтида аниқлаш ҳисобига йилига камида 13 нафар шахсларга сил касаллиги юқинининг олдини олади. Силга чалинган бир нафар беморни даволаш учун давлат бюджети харажатларидан 2 млн 500 минг сўм маблағ иқтисод қилинади. 13 нафар шахснинг силга чалиниши олди олينيши ҳисобига 32 млн сўм иқтисод қилинади. Шунингдек, сил оқибатидаги барвақт ўлимнинг олдини олиш ҳисобига ҳам иқтисодий самарадорликка эришилади.

учинчи илмий янгилик: илк бор сил оқибатидаги ногиронлик экспертизаси ҳолатини баҳолаш мезони сифатида ногиронликнинг ҳар 10000 нафар аҳоли сонига ҳисобланадиган анъанавий интенсив кўрсаткичи ўрнига сил билан касалланиш ва ногирон деб топилган шахслар сонига нисбатни (алоқадорлик кўрсаткичини) қўллаш вазиятни объектив баҳолашга имкон бериши исботланган. Сил оқибатидаги ногиронлик экспертизаси ҳолатини баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг 2023-йил 15-майдаги 30-01-09-09/239-сонли хати асосида илмий ишдан олинган натижалар (услугий тавсиянома) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари, Ихтисослашган Фтизиатрия ва Пульмонология тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари раисларига тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятида сил касаллигига чалинган беморларни экспертиза қилиш ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш жараёнида қўллаш тавсия этилган. Сил оқибатида ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, С.Султанов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси фтизиатрия ва пульмонология маркази (17.01.2023-й.) ва Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган 9-сонли ТИЭК фаолиятига тадбиқ қилинган (17.01.2023-й.) (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.01.2023-йил 8н-р/59-сонли хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: тадқиқотда олинган илмий натижаларни қўллаш орқали Қорақалпоғистон Республикаси тўртта ҳудудларидаги касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлар ўртасидаги статистик аҳамиятга эга тафовутлар, минтақанинг жанубий ва шимолий-ғарбий туманларида сил оқибатидаги ногиронлик экспертизасида жиддий муаммолар

мавжудлиги аниқланган. Минтақадаги туманлар сил оқибатидаги ногиронлик ҳолати бўйича жадвал тузилиб, улар яшил, сариқ ва қизил ҳудудларга ажратилган. Бу эса, сил оқибатидаги ногиронлик экспертизасини баҳолашни осонлаштиради, таъсирчан ташкилий чоралар ва қарорлар қабул қилиш воситасида ногиронликка олиб келувчи омилларни бартараф қилиш имкониятини яратади. Аниқланган субъектив омилларни бартараф қилиш сил оқибатида ногирон деб топилган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия қилинган мезонлар орқали сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатини объектив баҳолаш орқали субъектив омиллар бартараф қилинади ҳамда минтақадаги ногиронлик кўрсаткичлари камайишига, унинг натижасида эса бир нафар ногиронлик ҳолатининг олдини олиш ҳисобига фақатгина ногиронлик нафақаси ҳисобидан йилига 8 млн. 400 минг сўм иқтисод қилинади (ўртача нафақа 700 000 минг сўм x 12 ой = 8 400 000 сўм) иқтисодий самарадорликка эришилади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ҳудуддаги сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатларини олдини олиш учун дорига бардошли сил кўзғатувчилари штаммлари келтириб чиқарган беморларни шифохонада махсус антибактериал даволаш курсини якунланишини кутмасдан жараённинг дастлабки босқичиданоқ нафас олиш бузилишларини барвақт аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш тадбирларини амалга ошириш зарурати исботлаб берилган. Минтақада сил оқибатида ногиронликка олиб борувчи асосий омиллар аниқланган ва уларни реабилитация қилиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг 2023-йил 15-майдаги 30-01-09-09/239-сонли хати асосида илмий ишда олинган натижалар (услугий тавсиянома) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари, Ихтисослашган Фтизиатрия ва Пульмонология тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари раисларига тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятида сил касаллигига чалинган беморларни экспертиза қилиш ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш жараёнида қўллаш тавсия этилган. Сил оқибатида ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, С.Султанов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси фтизиатрия ва пульмонология маркази (17.01.2023-й.) ва Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган 9-сонли ТИЭК фаолиятига тадбиқ қилинган (17.01.2023-й.) (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.01.2023-йил 8н-р/59-сонли хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: минтақадаги сил оқибатидаги ногиронликка олиб келувчи асосий омиллар силнинг дори воситаларига кўп чидамли ва кенг чидамли шаклларида, асосан, респиратор бузулишлар эканлиги аниқланган. Қорақалпоғистон Республикасидаги сил оқибатидаги ногиронликни камайтириш учун силнинг дорига чидамли

штамплари тарқалишининг олдини олишга, силга чалинган ва ундан даволанаётган беморларда респиратор бузулишларни бартараф қилишга қаратилган реабилитация чора-тадбирларини барвақт бошлаш самарали аралашув эканлиги асослаб берилган. Бу тадбирларни амалга ошириш орқали сил оқибатидаги ногиронлик кўрсаткичларининг камайишига, беморлар ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифати яхшиланишига олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия қилинган реабилитация тадбирларини амалга ошириш сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатлари сонининг камайишига, шунинг ҳисобига давлат бюджетидан ногиронлик нафақасини тўлаш билан боғлиқ харажатлар иқтисод қилинишига олиб келади, унинг натижасида эса ўртача битта сил оқибатидаги ногиронлик ҳолатининг олдини олиш ҳисобига бир йилга 8,4 млн. сўм маблағ иқтисодий самарадорликка эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 2 халқаро ва 1 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сил касаллиги эпидемиологияси ва унинг ногиронлик оқибатлари бўйича замонавий илмий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобидасил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятга таъсир қилувчи экзоген ва эндоген омиллар тавсифланган, сил касаллиги билан касалланишга турли минтақаларда яшовчи этник гуруҳлар турмуш тарзи, сил инфекцияси билан тарихий ўтмишдаги мулоқоти давомийлиги, бугунги авлодлардаги маданий ва психологик омиллар таъсири, сил касаллигида ногиронликка олиб боровчи омиллар, уларнинг аҳолининг турмуш даражаси билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган. Ушбу боб 2 та кичик бўлимдан иборат. Унинг биринчи бўлими сил

касаллигида этник ва географик омиллар, иккинчи бўлим сил оқибатидаги ногиронликка олиб келувчи омиллар тавсифига бағишланган. Аниқланишича, сил касаллиги эпидемиологиясида этник омиллар асосан, аҳоли популяцияларининг яқин ўтмишдаги аждодларининг турмуш тарзига, уларнинг сил инфекцияси билан силга қарши химиотерапевтик воситалар кенг қўлланишгача бўлган даврдаги мулоқотининг давомийлигига боғлиқ эканлиги баён қилинган. Шунингдек, сил касаллиги оқибатидаги ногиронлик силга қарши хизматнинг барча босқичларида беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини баҳолаш имконини бериши мумкинлиги, аксарият ҳолларда ногиронлик беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамдаги нуқсонларни кўрсатади.


Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва унинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича материаллар ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот босқичлари, қўлланган усуллар ва материаллар таҳлили, тадқиқот материалларининг тавсифи келтирилган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги (ҚР) даволаш профилактика муассасаларида 2016-2020 йиллар давомида бирламчи сил касаллиги аниқланган беморлар тўғрисидаги маълумотлар электрон базаси, уларни рўйхатга олиш ҳужжатлари, касалланишнинг интенсив кўрсаткичлари ва уларнинг 5 йил давомидаги динамикасини ретоспектив баҳолаш, минтақанинг 4 та ҳудудидаги сил оқибатида бирламчи ва умумий ногиронлик кўрсаткичлари, бирламчи ва умумий ногиронлик ҳамда бирламчи ва умумий касалланиш мутлоқ сонлари, интенсив кўрсаткичлари ва ҳар 100 нафар силга чалинган беморлар сонига тўғри келадиган сил оқибатида ногирон деб топилганлар сони ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичлари йиллар, шаҳар ва туманлар кесимидаги таҳлил натижалари келтирилган.

Шунингдек, 2019 йилда ҚРси ихтисослаштирилган ТИЭК томонидан сил оқибатида ногирон деб топилган 1481 нафар шахсларнинг тиббий ҳужжатларини таҳлил қилиш ва уларни эксперт баҳолаш, бирламчи силга чалинган беморлар ва сил оқибатида ногирон деб топилган шахслар ҳамда уларнинг яқинлари ўртасида индивидуал ижтимоий сўровнома ўтказиш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг **«Жанубий Оролбўйи минтақасидаги сил бўйича эпидемиологик вазиятга аҳолининг яшаш ҳудуди омилнинг таъсири»** деб номланган учинчи бобда Қорақалпоғистон Республикасининг марказий, шимолий ва шимоли-ғарбий ҳамда жанубий ҳудудларидаги сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятнинг Орол денгизи қуриши оқибатида минтақанинг марказий, шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида юзага келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш миллий архивида сақланаётган собиқ “Силни ўрганиш ўзбек илмий тадқиқот институти”нинг 1940-1960 йиллардаги архив материаллари таҳлили баён этилган. Архив маълумотларига кўра, ушбу даврда ҳам Жанубий Оролбўйи минтақасидаги

сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикасининг ўртача кўрсаткичларидан 2,25 марта юқори бўлган (1-расмга қаралсин).




1-расм. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида 1955 йилдаги, унинг ҳудудларидаги 1958 йилдаги сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари (ҳар 10 минг нафар аҳоли сонига)

Таҳлилларимиз Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудларидаги сил оқибатидаги ўлим кўрсаткичлари ҳам, жами ўлим таркибида силдан ўлим ҳолатларининг улуши ҳам шимолий ва марказий ҳудудлардаги кўрсаткичлардан икки карра пастлигини кўрсатди. Бу рақамлар сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазият Жанубий Оролбўйи минтақасида Орол денгизи фожиаси оқибатлари юзага келишидан олдин ҳам мураккаб бўлганлигини, унинг жанубий ва шимолий ҳудудлари ўртасидаги эпидемиологик вазиятдаги тафовутлар шу даврда ҳам мавжуд бўлганлигини исботлайди.

Шунингдек, тадқиқотимизнинг ушбу босқичида Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлари кесимидаги 2012 ва 2019 йиллардаги сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда энг паст (ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига мос равишда 43,4-64,1 ва 29,4-40,8) кўрсаткичлар минтақанинг жанубий (Тўрткул, Эллиққалъа, Беруний ва Амударё) туманларида, энг юқори кўрсаткичлар (91,1-187,7 ва 85,2-147,1) минтақанинг шимолий (Тахтакўпир, Қораўзьяк, Чимбой) ва шимолий- ғарбий (Мўйноқ, Қўнғирот ва Қонликўл) туманларида қайд қилинган. Шимолий ва шимолий-ғарбий туманларга нисбатан пастроқ, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларига нисбатан юқори бўлган (109,4-158,4 ва 103,3-121,0) кўрсаткичлар марказий ҳудудларидаги (Нукус шаҳри, Нукус тумани, Хўжайли ва Тахиатош) туманларида қайд этилган. Эътиборлиси шундаки, барча минтақаларда ўрганилган муддат давомида сил билан касалланиш кўрсаткичлари пасайиш динамикасига эга бўлиб, алоҳида олинган туманлардаги касалликнинг камайиш суръати бир биридан фарқ қилсада, касалланиш кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимидаги бир-биридан

фарқларидаги умумий пропорция сақланиб қолинган

Минтақанинг марказий, шимолий, шимолий-ғарбий ва жанубий ҳудудларида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш, унинг оқибатидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичлари 2016-2020 йиллардаги динамикаси ўрганилди ва таҳлил қилинди. Таҳлиллар минтақанинг марказий, шимолий ва шимолий шарқий ҳудудлари билан унинг жанубий ҳудудида яшовчи аҳоли ўртасидаги сил билан бирламчи касалланиш, унинг оқибатидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичлари ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқлар бугунги кунда ҳам сақланганлигини кўрсатди. Бунинг эҳтимолий сабаблари ушбу минтақада яшовчи аҳоли аجدодларининг яқин ўтмишдаги турмуш тарзи (ўтроқ ёки кўчманчи), сил инфекцияси билан мулоқотнинг тарихий давомийлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу тафовутларни минтақанинг марказий, шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида яшовчи аҳоли таркибида яқин ўтмишдаги аجدодлари кўчманчи ва ярим кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган гуруҳлар улуши юқорилиги, жанубий ҳудудда эса аجدодлари азалдан ўтроқ турмуш тарзига эга аҳоли авлодлари популяциялари улуши юқорилиги билан тушунтириш мумкин (2- расмга қаралсин)




2-расм. ҚРси ҳудудларидаги сил касаллиги бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар (ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига) ва унинг динамикаси

Диссертациянинг «Жанубий Оролбўйи минтақасида сил касаллиги билан касалланиш ва унинг оқибатидаги ногиронлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликнинг ҳудудий хусусиятлари таҳлили» деб номланган тўртинчи боби 3та бўлимдан иборат бўлиб, сил касаллиги билан бирламчи касалланиш ва унинг оқибатидаги ногиронлик ҳолатлари таҳлили, улар ўртасидаги номутаносибликлар сабабларини аниқлаш, ногиронлик экспертизаси ҳолатини баҳолаш бўйича анъанавий мезон (интенсив кўрсаткич)лар ёрдамида бундай номутаносибликнинг сабабларини аниқлаш имконияти чекланганлиги, тадқиқот давомида тавсия қилинган сил билан бирламчи касалланиш ҳолати ва унга тўғри келадиган бирламчи ногирон деб

топилганлар сони ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичини қўллаш натижалари баён қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг ҳудудларидаги сил касаллиги билан бирламчи касалланиш ва унинг оқибатидаги бирламчи ногиронлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганида қуйидагилар аниқланди. Бирламчи касалланишнинг энг юқори кўрсаткичи (ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига 114.4) шимолий ҳудудлардаги туманлар аҳолиси ўртасида, бирламчи ногиронлик кўрсаткичларининг энг юқори даражаси (ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига 19,53) шимолий-ғарбий туманлар аҳолиси ўртасида қайд қилинган. Бирламчи касалланиш ва ногиронликнинг энг паст кўрсаткичлари жанубий ҳудудлардаги туманлар аҳолиси ўртасида қайд этилган. Биринчи қарашда ҳаммаси соғлом мантиққа мосдек туюлади. Лекин, сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари энг юқори (114,4) бўлган шимолий ҳудуддаги бирламчи ногиронлик кўрсаткичлари (9.99) га тенг бўлган бир вазиятда, ушбу ҳудудга нисбатан касалланиш кўрсаткичлари 12,7% га паст бўлган шимолий ғарбий ҳудуддаги туманлар аҳолиси ўртасидаги ногиронлик кўрсаткичи (19,53) қарийб 2 марта юқори (3-расмга қаралсин).



3-расм ҚРси ва унинг ҳудудларида сил билан бирламчи касалланиш ва унинг оқибатидаги бирламчи ногиронлик кўрсаткичларининг 2016-2020 йиллардаги динамикаси (ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига)

Шунингдек, ўрганилган давр мобанида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари минтақанинг барча ҳудудларида камайиш хусусиятига эга бўлиб, 4та ҳудуддаги касалланиш кўрсаткичларининг пасайиш суръатларида бир-биридан статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади. Лекин, бирламчи ногиронлик кўрсаткичлари ҚРсининг барча шаҳар ва туманларида ўсиш хусусиятига эга бўлган ҳамда бу ўсиш суръатларида ҳудудлар ўртасида жуда катта фарқлар мавжуд. Жами ҚРси бўйича касалланиш кўрсаткичи 32,7 % га камайгани ҳолда, бирламчи ногиронлик кўрсаткичи шу муддат давомида 26,11 % га ўсган.

Бундай номуносибликнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқотимизда 2016-2020 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари ҳамда ҳудудлари кесимида бирламчи қайд қилинган сил касаллигига чалинган беморлар сони ва сил оқибатида бирламчи ногирон деб топилганлар сони ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичини қўллаш орқали таҳлил қилинди. Ушбу таҳлилда қуйидагилар аниқланди. (1 жадвалга қаралсин).

Бирламчи касалланиш кўрсаткичи энг юқори бўлган шимолий ҳудудда алоқадорлик кўрсаткичи 10,56 га тенг бўлиб, сил билан бирламчи касалланиш кўрсаткичи ва бирламчи ногиронлик кўрсаткичи энг паст бўлган жанубий ҳудудда бу кўрсаткич 21,06 ни ташкил қилган. Бу ҳудудда алоқадорлик кўрсаткичи 2016-2020 йиллар мобайнида ўртача 21 (13.5-26.5) га тенг бўлган. Бу кўрсаткичнинг шу даврдаги ўсиш суръати 94,8 % ни ташкил қилган.

Марказий ҳудудда бу алоқадорлик кўрсаткичи 14.86 ни ташкил қилган. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бу кўрсаткич 16,4 ни ташкил қилиб, ўрганилган муддат давомида 86,7 % га ўсган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги сил оқибатида ногирон деб топилган шахслар сони билан бирламчи аниқланган сил касаллигига чалинган беморлар сони ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда бу миқдорлар ўртасида бевосита тўғри боғлиқлик аниқланиб, Чеддока шкаласи бўйича бу боғлиқлик сезиларли даражада эканлигини кўрсатди. ҚРси шаҳар ва туманлари, ҳудудларида бу миқдорлар ўртасидаги корреляция кўрсаткичи (Спирмена корреляция коэффициенти) $r=0.693$ ни ташкил қилди. Корреляцион боғлиқликни белгилайдиган r кўрсаткичининг критик миқдори 0,425дан юқори бўлиши лозим. Шунингдек, сил оқибатида бирламчи ногиронлик ва сил билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга ($p<0,05$) эканлиги аниқланди. Тақдиротда қўлланилган алоқадорлик кўрсаткичи сил оқибатидаги ногиронлик экспертизасини объектив баҳолаш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида сил касаллиги оқибатидаги ногиронликка олиб келувчи омилларни аниқлаш, ногиронликнинг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун муҳимдир.

Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослашган фтизиатрия ТИЭК томонидан сил оқибатида ногирон деб топилган жами 1481 нафар беморларнинг тиббий-ижтимоий ҳолати махсус тузилган сўровнома ёрдамида ўрганилди.

1- жадвал

